

Маликов Алишер Абдуқодирович  
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ходими



## Референдум – конституциявий ислоҳатлар истиқболи

**Аннотация:** Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш каби долзарб масалалар ёритилган. Референдум демократик ташкил этилган бошқарувнинг энг муҳим таянчи, халқ иродасининг номоён бўлиши, референдум, иродани тўғридан-тўғри ифода этиш мазмун-моҳияти таҳдил қилинган. Референдумда овоз бериш тартиби, кимлар иштирок этиш ҳуқуқи ва муддатдан олдин овоз бериш масаласи атрофлича кўриб чиқилган.

**Калит сўзлари:** референдум, конституция, овоз бериш, халқ муҳокамаси, эркин, ихтиёрий.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасига мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) кўйилади<sup>16</sup>. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланиши мустаҳкамлаб қўйлган<sup>17</sup>. Шунингдек, ушбу конституциянинг 78-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига киради. Демак, ушбу конституциявий таҳrir нафақат референдум билан боғлиқ муаммоларни у ёки бу тарзда долзарблаштиришни олдиндан белгилаб қўйди. Шундай қилиб, референдум демократик ташкил этилган бошқарувнинг энг муҳим таянчи, халқ иродасининг номоён бўлиши, референдум, иродани тўғридан-тўғри ифода этишнинг бошқа ҳеч қандай институти каби, халқнинг ҳокимиятни ҳақиқатга айлантириш ва жамиятда иштирок этиши ғоясини ўзида мужассам этган иродасидир.

*Мамлакатимизда бўлиб ўтадиган референдум «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига асосан ўтказилади. Референдум ўтказишнинг асосий принциплари бу фуқароларнинг ўз хоҳии-иродасини умумий, тенг ва тўғридан-тўғри билдириши асосида яширин овоз беришидир.*

Ҳар бир Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайлов ёшига етгандан кейин референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг референдумда иштирок этиши ихтиёрий ва эркин ҳисобланади. Умумий қоидага кўра, референдумда ҳам сайловдаги каби сайловчилар овоз беришда иштирок этади.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2022.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикасининг Референдум тўғрисида”ги ЎзР Қонуни, 30.08.2001 йилдаги 265-II-сон. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси. 17.07.2021.



Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи марта 1991 йил 29 декабрда референдум ўтказилган ва унда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августдаги Конституциявий қонуни тўғри қабул қилингандигини Ўзбекистон халқи бир овоздан маъқуллади. 2002 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси икки палаталик парламентни шакллантириши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини ўзгартиришига базишиланган референдум бўлиб ўтган.

Ўзбекистон Республикасининг референдуми республика қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиши мақсадида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир. Референдум сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодаси бўлиб, унда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади.

«Референдум» сўзининг маъноси давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалалар бўйича ўтказиладиган ва баъзан қонунлар қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган умумхалқ сўрови, овоз бериш йўли билан халқ фикрини аниқлашдир,

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонунга кўра, «референдум Ўзбекистон қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир» дея ёзиб қўйилган. Унинг сайловлардан асосий фарки, референдум ўтказилаётганда бирон бир лавозимга номзод ёки номзодлар рўйхати учун овоз берилмайди, балки унда муайян масала — қонун, қонун лойиҳаси, конституция ёки унга тузатишлар, мамлакат халқаро мақомига тааллуқли ёки ички сиёсатига оид бирон бир савол қўйилади. Сайлов натижалари мажоритар тизим бўйича ҳам, пропорционал тизим бўйича ҳам аниқланиши мумкин бўлса, референдум натижалари фақат мажоритаризм (мутлақ қўпчилик овозини ҳисоблаш) тамойиллари асосидагина аниқланади.

Қонунчилик палатаси Конституцияни ўзгартириш бўйича умумхалқ референдумини — 30 апрел, якшанба куни ўтказишни маъқуллади. Тегишли қарорни 134 нафар депутат қўллаб-қувватлади, 2 нафари бетараф қолди, 1 нафари эса овоз бермади. Аввалги референдум бундан 21 йил аввал бўлиб ўтганди.

Тегишли қарор лойиҳаси Қонунчилик палатасининг 10 марта даги ялпи мажлисида кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан қабул қилинди.

Референдум ўтказиш ҳақидаги қарорга овоз бериш жараёнида 134 нафар депутат қўллаб-қувватлади, 2 нафари бетараф қолди, 1 нафари овоз бермади.

Янги таҳрирга асосан, Ўзбекистон конституциясидаги моддалар сони ҳозирги **128 тадан 155 тага**, ундаги нормалар эса **275 тадан 434 тага** ошириляпти. 128 та модданинг 91 тасига концептуал ўзгаришлар киритилмоқда. Умуман олганда, конституция **65 фоизга** ўзгартириляпти. Маълумот ўрнида, бундан аввалги умумхалқ референдуми 2002 йилнинг 27 январида бўлиб ўтганди.

### Референдумда кимлар иштирок этади?

— Референдум ўтказиладиган кунга қадар ёки референдум кунида ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси референдумда иштирок



етиш хуқуқига эгадир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида истиқомат қилаётган ёки турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси референдумда иштирок этишга тўла ҳақлидир.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суд хукми билан озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларида сақланётган шахслар референдумда иштирок этиш хуқуқига эга эмас. Келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятига қараб, фуқароларнинг референдумда қатнашиш хуқуқини бевосита ёки билвосита чеклаш ман этилади.

### **Референдумда овоз бериш тартиби қандай?**

Референдумда овоз бериш бюллетени фуқаро томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Овоз бериш бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Бюллетенни мустақил равища тўлдириш имконига эга бўлмаган фуқаро ўз хоҳишига қўра, референдум ўтказувчи комиссия таркибиға кирадиган шахслардан, кузатувчилардан бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақлидир.

Фуқаролар овоз бериш бюллетенида референдумга қўйилаётган масала бўйича ўзи овоз бераётган вариант рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга кўрсатилган белгилардан бирини қўяди. Тўлдирилган бюллетенни фуқаро овоз бериш қутисига ташлайди. Овоз бериш қутилари референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзоларига ҳамда кузатувчиларга кўриниб туриши керак. Бузиб қўйилган овоз бериш бюллетени фуқаронинг илтимосига қўра, янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган овоз бериш бюллетенлари ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

Айрим фуқаролар соғлигининг ҳолатига ёки бошқа сабаблар билан овоз бериш биносига кела олмаса, уларнинг илтимосига қўра, референдум ўтказувчи участка комиссияси овоз беришни ана шу фуқаро турган жой бўйича, кўчма овоз бериш қутиларидан фойдаланиб ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдумда тенг асосларда иштирок этади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади. Яъни, ҳар бир фуқаро айнан ўзининг қарорини акс эттириш имкониятига эга. Яширин овоз беришда унга тазийк ўтказиш, ташқаридан таъсир кўрсатиш мумкин эмас. Овоз берувчи ташки фикрлардан холи равища кабинада ўз қарорини яширин тарзда билдиради.

### **Фуқаролар муддатидан олдин ҳам овоз бериши мумкинми?**

Референдум куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган овоз берувчи муддатидан олдин овоз бериш хуқуқига эга. Муддатидан олдин овоз бериш референдумга ўн кун қолганида бошланади ва референдумга уч кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва фуқароларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади.

Овоз берувчи муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун референдум кунида бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга



чиқиши ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида тегишли участка комиссиясидан референдумда овоз бериш бюллетенини олади ва тегишли участка комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигига овоз берувчи фуқаролар рўйхатига имзо қўяди. Референдумда овоз бериш бюллетени маҳсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида овоз берувчи томонидан тўлдирилади.

Овоз берувчи қарор қабул қиласи ва тўлдирилган референдумда овоз бериш бюллетенини ёпиқ конвертда қолдиради, конверт тегишли участка комиссиясининг сейфида сақланади. Конвертнинг елимланган жойига участка комиссиясининг икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри билан тасдиқланади.

